

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИ БҮЙИЧА ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7883011>

Шукруллаев Шохрух Саъдулла ўғли
ИИВ Академияси З-босқич курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада тадкиқот мавзусининг долзарблиги, профилактика инспекторининг безорилик жинояти профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш бўйича тушунчаси, профилактика чоратадбирларининг бугунги кундаги ҳолати ва амалга оширишинг ўзига хос хусусиятлари. Бундан ташқари профилактика инспекторининг безорилик жинояти профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш бўйича нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият бўйича юритиладиган процессуал хужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар. Профилактика инспекторининг безорилик жинояти профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириши ташкил этиш бўйича илғор хориж тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшашиб томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, такомиллаштириш, илғор хориж тажрибаси, нормаларнинг амалиёт таҳлили, безорилик жинояти.

КИРИШ

Хозирги Вақтда жиноятчиликка қарши кураш амалёти жиноятчиликни назарий жиҳатдан тубдан ўрганиш вазифасини янада каттий килиб кўймокда. Умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳуқуқлари асосий ўринга кўйилган бугунги даврда жиноятлар ислоҳотларнинг йулига жиддий тўсик бўлмоқда бу муаммоларни бартараф этиш ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Безорилик моҳияттан ижтимоий ҳуқуқий тушинча сифатида эътироф этиш мумкин. Ижтимоий жиҳатдан безорилик одатда ойинкароқ, шоҳ, доим атрофдагилар билан низолашиб юрадиган безори шахслар килмишига берилган баҳо булса, ҳуқуқий жиҳатдан эса амалдаги мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси ҳамда жиноят кодексининг 277-моддасида назарда тутилган жиноий безорилик содир этилишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Ҳар икала ҳуқуқий ҳолатда хам безорилик деб баҳоланмасада, жиноий безорилик ўзининг ижтимоий жиҳатдан хавфилиги билан алоҳида ахамят касб этади. Безорилик

хуқуқбузарликнинг профилактикаси хакида сўз юритганда, унга ижтимоий хуқуқий тушинча тарикасида караш максадга мувофик саналади. Чунки аксарят киримнологларнинг фикрича шахс жиноятчи бўлиб тугилмайди ёки у бирданига жиноятчи шахсга айланиб колмайди. Унинг ҳулқ-атворидаги салбийлашув муайян Вақт оралигига аста- секин салбийлашиб боради. Шу боис безорилик хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда комплекс ёндашув талаб этилади. Бунинг учун аввало безорилик хуқуқбузарлигини криминалогик тавсифини тўлиқ ўрганиш керак.

Безорилик хуқуқбузарлигига кириклигик тавфисиф беришда унинг куйдаги йуналишдаги хусусиятларга мазмунан ёндошиш керак;

Биринчидан безорилик хуқуқбузарлиги(маъмурий хуқуқбузарлик ёки жиноятининг) маъмурий хуқуқий ва жиноий хуқуқий тавсифи, ахволи, тузилиш даражаси ва динамикаси, жойи Вақти;

Безорилик хуқуқбузарликнинг микдор ва сифат кўрсаткичлари ИИОлари томонидан 2015- йилнинг 6 ойи мобайнида амалга оширилган ишларга бўйича асосий курсаткичлар тўғрисидаги статистик малумотлар тўплами асосида таҳлил қилинганда жорий йилнинг бойи мобайнида безорилик хуқуқбузарлиги ўтган йилнинг шу даври билан таккослагандага 11,3 фоизга жиноий безорилик эса 7%га усганлиги малум булди.

Ушбу тоифадаги жиноятчиликнинг очилиши даражасига эътибор қаратилса, бу борада безорилик жиноятининг маҳала поспонлари томонидан очилиш курсаткичи ўғирлик ва баданга қасдан оғир шикаст етказиш жиноятлари синггари энг кўп очилаётган жиноятлар қаторига киритиб, жорий йилнинг 6 ойда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,3 фоизга усганлиги намоён бўлади. Статистик малумотларга кура 2015-йилнинг 6 ойи мобайнида оила турмуш бўйичаасида турли низолар оқибатида содир этилган жами 15та безорилик жинояти аксаряти жамоат жойларида ва хонадонларда, асосан кўшни ва кариндошларга нисбатан муросага келиша олмаслик оқибатида, маст хилдаги шахслар томонидан кунинг икинчи ярмида содир этилганлиги малум.

АСОСИЙ ҚИСМ ВА НАТИЖАЛАР

Безорилик хуқуқбузарликларидан жабрланган шахсларни ўрганиш ушбу турдаги хуқуқбузарликларни олдини олишда виктимологик чора-тадбирлани ишлаб чиқиш муҳмим ахамият касб этиди. Бунинг учун безорилик хуқуқбузарликларидан жабрланган шахсларни ижтимоий демографик(ёши, жинси, касби, маълумоти, яшаш жойи, оиласвий ахволи) манавий рухий(қизиқишлиари, умумнсоний қадриятларга муносабати, интелектуал салохияти) жиоят хуқуқий (илгари судланганлиги безориликнинг маъмурий ёки жиноят еканлиги, виктимликнинг айбли ёки айбиз еканлиги, баданга тан жарохати етказиш мулка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилганлиги) белгилари асоида атрофлича ўрганишни такозо этади.

Учинчидан безорилик ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берётган шарт шароитлари.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун безориликни бошка турдаги ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш лозим булади. Айбдор қасдининг мөхияти ва унинг нимага қаратилганилигига, шунингдек содир этилган ҳаракатнинг мотив максади ва муайян ҳолатигаaloхида эътибор бериш талаб этилади.

Агарда оиласда уйда кариндош уруг таниш билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш доппослаш, баданга энгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиккан ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланади.

Безорилик эса ўз менлигини намоён этиб жамиятда ўрнатилган юриштуриш коидалрини қасдан менсимаслик, жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик килиб, жамоат жойларида уялди сўзлар айтиш, шундай сўзлар билан сўкиниш, бехаё қилиқлар қўрсатиш ёхуд одамларга нисбатан ҳақоратомўз шилқимликлар қилиш, жамоат тартиби ва осойишталигини бўзиш, шу билан бирга шахсни уриш-доппослаш шу билан бирга унга энгил тан жарохати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ва нобуд қилиш кабиларнинг содир килинишида келиб чиқади. Мазкур ҳуқуқий белгилар безорилик ҳуқуқбузарлигининг сабаб ва шароитларини келиб чиқиш манбаига кўра объектив ва субектив ўрганиш имконини беради.

Безорилик ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ота-она томонидан фарзандини ехтиёжини ҳаддан зиёд кондириши, фарзандининг миллий, диний, умуинсоний қадриятлардан йироқ тарбиялаши ва назоратсиз қолдириши спиртли ичимлик ва гиёхвандлик воситаларини истеъмол қилишига одатланиши шу билан бирга ота-онанинг спиртли ичимлик ва гиёхвандлик воситаларини истемол қилиши, оиласда мунтазам низоли вазиятлар яратилиши интернет ва ОАВ оркали бехаёликни, ўришни зўравонликни тарғиб қилувчи филимлар, суратлар, матерялларни томоша қилиши, шу мазмундаги уйинларни уйнаш кабиларни мисол тарикасида келтириш мумкин.

Чунончи, онлайн синов натижаларига кўра дунё миқёсида интернетдан фойдаланувчи 14 ёшгача бўлган болаларнинг 39% порнографик сайтларга, 19% эса зоравонликни тарғиб қилувчи сайтларга кириши аниқланган. Бундан ташқари 16% ёшлар қимор ўйинларига ва 14% алкогол ва наркотик моддалар тарғиб қилинган сайтларда қизиқиш билдирган бўлса, уларнинг 11% екстремизим ва миллатчиликни тарғиб қилувчи манбалардан фойдаланиниши мумкин бўлган.

Безорилик ҳуқуқбузарлигининг объектив сабаб ва шароитларига шахснинг боллалар уйида ота-она меҳридан йирок тарбияланганганлиги, азолари тўлиқсиз оиласда яшаганлиги кабилар мисол бўла олади.

Юқорида безорилик ҳуқуқбузарлигининг сабаб ва шароитлари хакида сўз юритилди. Маскур сабаб ва шароитлар тасирида шахс егоист умуминсоний, миллий ва диний қадриятларга бесант аҳлоқий заиф бўлиб шаклланади ва бу тоифадаги шахслар безорилик ҳуқуқбузарлигини содир этишга нисбатан қўпроқ мойил бўладилар. Безорилик ҳуқуқбузарликни содир етувчи шахсларни ижтимоий демографик(ёши.жинси ,касби,оилавий ахволи кабилар) манвий-рухий (кизишлари, умуминсоний миллий ва диний қадриятларга нисбатан муносабати интелектуал салоҳиятикабилар)жиноий-ҳуқуқий(судланганлиги ёки безори шахснинг манавий шунингдек ҳуқуқбузарликнинг бир киши ёки бир гурӯҳ шахслар томонидан содир этилганлиги каби)белгилар асосида ўрганилади.

Бешинчиси ҳуқуқбузарлик профилактикаси чора-тадбирлари 2014-йил 14-май куни қабул қилинган «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талаблари асосида умумий ,махсус,якка ва виктималогик профилактика кўринишида амлга оширилиши мумкин.

Ва бу борада умумий профилактика шахснинг маънавиятини юксалтириш унинг онгига умуминсоний, миллий, диний қадриятларни сингдириш унга ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган тарғибот ва ташвикот ишларини олиб бориш. Безорилик ҳуқуқбузарликларини сабаблари шароитларини бартарф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси деганда, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш, бундай сабаб ва шароитларни бартараф этишга, шунингдек, аҳоли орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид профилактик усулларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш борасидаги фаолият тушунилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган вазифалардан ташкил топган. Шулардан биринчиси ҳуқуқбузарликларнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига тўлиқ таъсир қилишдан иборатdir. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти субъектлари томонидан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидағи ҳуқуқбузарликнинг сабаб-шароитлари, бошқа детерминантларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, таъсирини йўқотиш, кучсизлантириш бўйича усул ва шаклларни амалга оширишdir.

Профилактика хизматларининг умумий профилактик фаолияти жамиятга зид ғайриижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг, турли воқеа, ҳодиса ва ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, таъсир этиш, кучсизлантириш ва олдини

олишига қаратилган кенг қамровли ижтимоий-хуқуқий воситалар орқали амалга ошириладиган фаолиятидир.

Ва бу борада умумий профилактика шахснинг маънавиятини юксалтириш унинг онгиға умуминсоний, миллий, диний қадриятларни сингдириш унга хуқуқий онг хуқуқий маданиятни шакллантиришга йуналтирилган тарғибот ва ташвикот ишларини олиб бориш, безорилик хуқуқбузарликларини сабаблари шароитларини бартарф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари ИИВ ташаббуси билан республика микёсида жамоат жойларида, корхона, муассаса ва ташкилот биноларида ресторан кафе, барларда қузатув камераларининг ўрнатилиши ҳам келгусида безорилик хуқуқбузарлигининг олдини олиш ҳамда содир этилган безорилик хуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича хуқуқбузарлик содир этган шахсларни айбордорлигини исботлашда муҳим восита сифатида самарали натижа беради албатда.

Безорилик хуқуқбузарлигининг маҳсус профилактикаси эса айнан безорилик хуқуқбузарлигини олдини олиш қолаверса жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш максадида ишлаб чиқилган маҳсус профилактик тадбирларни ўтказиши орқали амалга оширилади.

2. *Хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси* – хуқуқбузарликлар профилактиканни бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги хуқуқбузарликлар профилактикаси, бу турдаги хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблар ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир қўрсатишига қаратилган маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишига бўйича фаолиятидир⁹⁵.

Хуқуқбузарликларнинг амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

айрим турдаги хуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг қўпайиши; жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатлариiga тажовўз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

Хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар:

– илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирлари;

– алкоголни суистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси чора-тадбирлари;

⁹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.

Безорилик ҳуқуқбузарлиги аксарят холларда спиртли ичимлик воситалари истемол килган шахслар томонидан содир этилишни эътиборга олиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 26-моддасида белгиланган тартибда алкаголни сувистемол қилувчи ёки гиёхвандлик воситалари психатроб моддаларни ва акл-ирода фаолиятига тасир етувчи бошка моддаларни истемол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш максадга мувофик саналади.

Безорилик жиноятини олдини олишнинг умуижтимоий чораларининг ўзига хос ҳусусиятлари шундан иборатки, у салбий ходисалар, шу жумладан, бевосита безориликни олдини олишга йўналтирилмайди факатгина, ушбу фаолиятга кўмаклашади. Аслида умуижтимоий олдини олиш жиноят содир этилишга йўл кўймасликка, яъни маҳсус олдини олишга тўғри ва бевосита қаратилган барча чораларнинг асоси базаси бўлиб хизмат қиласди. Безорилик алоҳида ижтимоий вокелик, демак унга қарши курашиш йўллари хам ижтимоий ҳуқуқий ишлар соҳасида йотиши лозим унинг самарадорлиги эса кўп холларда ижтимоий муамоларнинг мувафакиятли ҳал килинишга болик бўлади. Бу безориликнинг хам умумий хам индивидуал профилактикаси тегишлидир.

Умумий профилактика жамият азоларига ҳулқ-автор қоидалари ва нормалари тўғрисидаги тушунчалар йетказилади жиноий ҳулқ- автор жазоланиши тўғрисидаги факт алоҳида кайд этилади. Безориликка ҳуқуқбузарлигига келсак ушбу ҳуқуқбузарликларнинг умумий ҳолати қўйидагича қўриниш олган: бу хам ўз манфаатлари хам бошка шахслар манфаатларига жамиятга қарши-турмуш тарзи кечираётган алоҳида шахсларга тизимили амалга ошириладиган тегишли тасирлар ёки безориликлар профилактикаси ушбу жинояларнинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ўрганиш бартараф этиш жамиятга қарши турмуш кечираётган ва безорилика мойил шахсларни аниқлаш ва таҳлил қилиш ушбу шахсларнинг тегишли рўйхатини юритиш ва уларга зарур тасир кўрсатиш каби чораларни ўз ичига олади.

Безорилик ҳуқуқбузарлигининг профилактикаси бу жамоат тартиби жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи ва максадга йўналтирилган чоралар тизимини амалга оширишга ва тегишли жиноий тажовўзларга йўл кўймасликдан иборат бўлган ижтимоий профилактиканинг бир куриниши ҳисобланади. Профилактика назарий тури сифатида хам амалий тури сифатида хам кўриб чиқиш мумкин. Аҳлоқий (аҳлоқсиз ҳулқ автоворга йул кўймаслик) умумҳуқуқий профилактикалар (кенг манода ҳуқуқбузарликларни олдини олиш) тўғрисида фикр юритса хам бўлади. Профилактиканинг турлари ва йўналишлари жуда хам кўп. Бирок безорилик ҳуқуқбузарлиги профилактикаси кайтамиз умумий профилактика бўйичаасида турли соҳалар ва йўналишлар ажратилади жиноий ҳуқуқий соҳа жиноят процетсуал жиноят

ижроия криминалогик ва х.к. Бундан ташқари бу йерда умумий ижтимоий профилактика фаолияти учун катта майдон мавжуд масалан, ахлоқий профилактика психалогик педагогик тиббиёт (шу жумладан психатрик) ва х.к. Бунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг умумпрофилактик фаолиятини хам киритиш мумкин. Барча ҳолатларда ОАВ дан фаол фойдаланилади.

Айрим муаллифлар умумий профилактика жиноячилар психиалогиясига караганда кўпроқ қонунга итоаткор одамларнинг психиалогиясига тасир кўрсатади деб хисолашади.

Профилактика инспекторларининг безорилик ҳуқуқбузарлиги сонини кискартитришни кўзловчи профилактиканинг умумий чораларини амалга ошириш бир томондан одамларни мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этишдан тийиб туради бошка томондан эса фуқароларнинг безорилик ҳуқуқбузарлиги жабрланувчиси бўлишдан саклайди.

Безорилик ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликка тортилган шахсларга оид малумотларимизга кўра уларнинг 28% “умумий олдини олиш” тушунчасини умуман билмайди 47% ушбу чора бошка шахслар учун белгиланган деб хисоблашади. 25% эса бу уларни ушлаб турган бирок вазият улардан ортикрок бўлганини айтишиди. Безорилик жинояти учун суджланган ретсидивистлардан ўтказилган сўров натижалари анча бошкacha бирок улар хам маҳсус ва умумий олдини олишнинг самарадорлиги тўғрисида кам билишади. Бу йерда безориликнинг умумий олдини олиш ғойаси нафакат жиноят қонунчилиги судларнинг ҳукуми ва х.к бўйичаасида балки, жинояларни очища хам бошкacha айтганда жазоларнинг мукаарарлигни таъминловчи барча чораларда ўз ифодасини топади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

Якка тартибдаги профилактикаси доимо шахс билан боғлиқ булади. Шахсий даражада деб айтиладиган профилактика профилактика инспекторлари учун ҳар бир аниқ шахс билан ишлашнинг ўзига хослигида ифодаланган ўзига хос хусусиятлар ҳарактерлидир. Мазкур даражада шахс ва индивидуал ҳулқатворга тегишли факат индивидуал ҳулук атворга тегишли факат индивидуал тасир чоралари қўрилади. Умумий профилактика чоралари анча кенг ва унчалик аниқ емас. Индивидуал оғилактика эса бу доимо анча аниқ. Ва муайян шахсларга йўналтирилган булади яна жиноий ҳулқ атворга оид бўлган барча амалий хуносалар ва натижалар аниқлаштирилади. Бу йерда умумий ва якка тартибдаги профилактикалар ўртасида қарара қаршилик мавжуд емас.

Якка тартибдаги профилактика усуллари қуйидагадардан иборат:

-профилактика сұхбати;

-расмий огоҳлантириш;

-ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берайтган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;

- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- профилактик ҳисобга олиш;
- мажбурий даволанишга юбориш;
- маъмурий назорат.

Якка тартибдаги профилактиканинг таъсир усувлари қуидагича ташкил этилади:

- ишонтириш;
- рағбатлантириш;
- мажбурлаш.

Ишонтириш – профилактика қилинувчига тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий методи. Тарбиялаш-ишонтиришдир. Ишонтириш иш ва сўз орқали амалга оширилади. Ишонтириш усули соф тарбиявий хусусиятга эга бўлиб, улар профилактика қилинаётган шахснинг қуқуқларини асло чекламайди. Жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланиладиган одатдаги ишонтириш чораларига суҳбатлар, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларидаги муҳокамалар, жамоат тарбиячилари, мураббийлар кабиларни тайинлаш киради.

Рағбатлантириш – профилактик таъсирнинг муҳим методларидан бўлиб шахснинг ижобий қарашлари, хизматларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Рағбатлантириш моддий-маънавий бўлиши мумкин. Рағбатлантиришдан кўзланган асосий мақсад профилактика қилинаётган шахснинг ижтимоий муқит билан муносабатини тўғри йўлга қўйишидан ва жиноий ниятлардан қайтаришдан иборат. Масалан, Профилактика қилинаётган шахсни ишга жойлаштиришнинг ўзи этарли эмас, унга жамоа билан тил топишида, унинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланишида кўмаклашиш зарур. Профилактика қилинаётган шахсни гуруқнинг салбий таъсиридан сақлаб қолиш учун уни нафақат уни гуруҳдан жратиб олиш, балки унга ижобий таъсир кўрсата оладиган гуруҳга киришишига имкониятлар яратиш зарур бўлади.

Мажбурлаш – профилактика қилинувчига тарбиявий таъсирнинг ёрдамчи истисно тариқасидаги усулидир. У фақат бошқа усувлар самара бермагандан қўлланилади.

Безорилик ҳуқуқбўзарлини олдини олиш унга йул қуймаслик бу профилактика инспекторларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бунда асосан безорилик ҳуқуқбўзарлигинини олдини олиш учун профилактика инспекторлари томонидан жиноий турмуш тарзини кечираётган шахсларни аниклаш муҳим ахамиятга эга. Амалётда жиноятларнинг профилактикаси амалда иккта ҳолда ўз урнига эга: салбий хусусиятлар куртак ҳолатида бўлганда ва бундай ҳолатлар ўз урнига эга булмаган тва уларнинг пайдо булиш имконияти мавжуд бўлганда. Бирок ушбу салбий хусусиятлардаги шахсларни аниклаш ушбу шахсларни рўйхатга қуиши кейин эса улрга нисбатан профилактика чораларни кўллаш бўйича тадбирларни тказиш мумкин. Бу йерда

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH

VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

шахснинг “ижтимоий аҳлоқсизлиги даражаси” ўнинг ижтимоий тажрибаси жиноий алокаси ва шу кабилар хисобга олинади.

Безориликни индивидуал профилактикаси энг аввло ҳар бир алохида шахс билан аниқ ишлашга мўлжалланган ва бу билан унинг тезкор фаолияти билан ухшашлиги мавжуд. Бошқалар бир қаторда у ёки бу шахсада безорилик содир қилиш режаси пайдо бўлганда ишлатилади мазкур шахснинг бу билан бир қаторда унинг вербал хулқа-твори эса бундай қасд мавжудлигни тасдиклайди.

Индивидуал профилактика чора-тадбирлари бир томондан безорилик содир қилишга қасд аникланган шахснинг ўзига бошка томондан эса ушбу шахс атрофига(агар бундай хамтавоги ёки безорилик қилишга кумаклашушчи шахслар мавжуд булса) тасир қилишни таминалайди. Бундай профилактика виктим хулқ-атвор сабабли жиноят жабланувчиси мумкин шахсларга йуналтирилган. Безориликни индивидуал профилактикаси асосий елементлари куйдагилар ҳисобланади;

-уларга нисбатан иш ўтказаётган шахсларни синчковлик билан ўрганиш;

-йордамида белгиланган иш амлда бажариилган асосий чора ва тадбирларни аниқлаш;

-иш ташкил қилиш (режалаштиришнинг ўзи) ва шахс устидан назорат.

Жиноятларни индивидуал профилактика қилишнинг энг муҳим муамолари бу уни хакикатда белгилаш зарур бўлган шахслар бўйичаасини аниқлаш хисобланишига кушилиш зарур. Ўз мохиятига кўра жиноятларни индивидуал профилактикаси ишонтириш(тарбия) ва мажбурлаш(жазо) чораларнинг мажмуи ҳисобланади. Кўрибчикилаётган профилактиканинг максади жиноятларни тўхтатиш олдини олиш ва йўл кўймаслик килмишни содир қилиш ниятини аниқлаш ва ишни йўлга кўйишки бунда шахс жиноий ниятига кириш йулидан воз кечсин жиноятга мойил шахсларнинг аниқлашнинг максади эса маскур шахсларга салбий тасир қилувчи манбаларни аниқлаш ҳисобланади. Шахс устидан назорат ва мамурий назорат ва тезкор муамосини ҳал қилиш амалга оширилаётганда максад ва авзифалвр бирлашади.

4. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бу-хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарлиқдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга бўйича фаолиятидир⁹⁶.

Ички ишлар органларининг виктимологик профилактик фаолиятининг асосий объектларига қуйидагилар киради:

- билим савияси юқори бўлмаган шахслар;
- ишонувчан содда одамлар;
- ёлғиз яшовчи қариялар;

⁹⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.

- тадбиркорлар;
- беларво шахслар;
- ҳайдовчилар;
- тунги қоровуллар ва бошқ.

Шахслар муайян тоифасининг вакиллари жиноятдан жабрланиш эҳтимоли содир этилаётган жиноят турига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, безориликдан жабрланувчи шахс номусга тегишдан жабрланувчиларга қараганда кўпроқ даражада тасодифий бўлади. Айни вақтда, фирибгарликдан жабрланувчилар номусга тегишдан жабрланувчиларга қараганда камроқ даражада тасодифийдир. Тасодифийлик омили жиноят содир этиш усулига, жиноятчининг «профессионал» тайёргарлигига ва бошқа ҳолатларга қараб намоён бўлади.

Безорилик ҳукуқбузарлигини келтириб чиқаришга жабрланувчининг куйдаги белгилари сабаб булади:

- жабрланувчининг жиноятчи томонидан жиноят содир этилишидан олдинги хулқ-атвори: - жиноят содир этишга туртки берувчи (шахс ўз ҳаракатлари билан криминоген вазиятни юзага келтиради);
- фаол (шахс бевосита криминоген вазиятни юзага келтирмайди, лекин ўз ҳаракатлари билан унинг юзага келишига жиддий таъсир кўрсатади);
- пассив (криминоген вазиятнинг юзага келишида шахс жиддий ёки умуман ҳеч қандай роль ўйнамайди) бўлиши мумкин.

Жиноят содир этиш вақтида жабрланувчининг ҳаракатларидан келиб чиқиб:

- шахснинг ҳукуқбўзар кўзлаган жиноий ниятини рўёбга чиқаришига имконият яратадиган хулқ-атворини;
- **жабрланувчининг жиноятчига жиноий натижага эришиш имкониятини энгиллаштирувчи унсурларсиз хулқ-атворини («нейтрал» хулқ-атворни);**
- ғайрихукуқий хулқ-атвор амалга ошишига муайян даражада тўскинлик қилувчи хулқ-атворни фарқлаш мумкин.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, виктим ҳолатлари кўпроқ эркак жинсидаги шахсларда юзага келади. Таҳлил этилган жиноий ишлардан маълум бўлдики, умумий миқдордаги жиноятларнинг 64% да эркаклар ва 36% да аёллар виктим вазиятларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлганлар

Биринчи масала ким жиноятлардан жабрланади? Дэган саволга жавоб топиш ҳисобланади. Бу масалани нафақат билимга бўлган эҳтиёжни қондириш учун, балки асосан энг «виктимоген» ижтимоий гуруҳларни аниқлаш мақсадида ўрганиш лозим.

Айрим тадқиқотлар вояга этмаганлар томонидан содир этиладиган майда безорилик ва безорилик каби жиноятларни содир этиш билан боғлиқ ҳолларда, баданга оғир шикаст етказиш каби жиноятларни содир этилиши ошиқча

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH

VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

виктимлик билан тавсифланишини кўрсатади. Ушбу ҳолат формал ва ноформал соҳаларда вояга этмаганлар бажарадиган ижтимоий вазифаларнинг хусусияти, уларнинг кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ бўлса керак.

Безорилик ҳуқуқбузарлигининг содир этилиши натижасида қуидаги ижтимоий хавфи юқори бўлган салбий оқибатлар келиб чиқади:

- вояга этмаганларнинг таълим тарбиясига салбий таъсир кўрсатади;
- вояга этмаган шахснинг хулқ-атвори ижтимоий-салбий томонга ўзгаради;
- жамиятда жиноятчилик кўрсаткичи ва даражасининг ортишига олиб келади;
- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдиради;
- жамиятда ўрнатилган қоидаларни бўзилишига олиб келади;
- ҳуқуқбузарликларни кўпайишига таъсир этади.

Бизнинг назаримизда майда безорилик ҳуқуқбузарлигинини олдини олишнинг энг самарали усули сифатида якка тартибдаги профилактик чааларни қўллаш лозим. Бу масала юзасиадан профессор З.Зарипов ва И.Исмаиловлар, жиноятларни якка тартибда олдини олиш муайян жиноят сабабларини ва уни содир қилишга кўмаклашган шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва улар билан зарур тарбиявий профилактик чора-тадбирларни ўtkазиш бўйича амалга ошириладиган маҳсус криминологик даражадаги жиноятларни олдини олишдан иборат фаолият деб қайд этишади. Ушбу жараённи “огоҳлантириш”, “бартараф қилиш”, “тўхтатиш” (тўсқинлик қилиш) каби босқичларда амалга оширилишини тушунтиришади¹.

М.Усмоналиев, Й.Каракетовлар эса, жиноятчиликнинг олдини олишнинг ижтимоий даражасига, миқёсига (ҳажмига), ҳудудий миқёсига, таъсир қилиш обьектига, мазмунига қараб таснифлаб, жиноятчиликнинг миқёсига қараб ўз навбатида умумий, маҳсус ва индивидуал чораларга бўлинишини кўрсатиб ўтишади². Вояга этмаганлар орасида содир этиладиган майда безорилик ва безориликнинг олдини олиш чораларга шахсада ижтимоий хилоф қарашлар ва ижтимоий хавфли хулқнинг шаклланишини бартараф қилишга, агар шундай хулқ шаклланиб қолган бўлса ундаги ижтимоий хилоф хусусиятларни ўзгартириш ва шу йўл билан жиноят содир этиши мумкинлигини олдини олиш, шахснинг жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга ўрниб кўриш вақтида бундай фаолиятни тўхтатишга қаратилган чоралар киради.

Безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олишдапрофилактика инспекорлари куйдагиларга эътибор қаратишлари лозим:

- ўзининг қарашлари, хулқ-атвори билан жиноят содир этишга мойиллигини гувоҳлик берувчи шахсларни аниқлаш;
- шундай шахсларни аниқлаш ва уларга салбий таъсир кўрсатувчи манбааларни аниқлаш;

- улар учун ҳуқуқбузарлик содир этилмаслигига йўл қўймаслик мақсадида имкони борича соғлом микромухитни вужудга келтириш;

- зарарли таъсир этувчи манбааларни бартараф этиш;

- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш. Маълумки, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бир сўз билан айтганда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ички ишлар органарининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Жамоат жойларида содир этиладиган безорилик жиноятларини олдини олиш, маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича амалдаги қонунчиликка асосан тегиши жазо чорасини қўллашда ички ишлар органлари асосий субъект ҳисобланади. Яъни, бу соҳада маъмурий жазо ва бошқа таъсир чораларини қўллаш фаолияти ўз навбатида ички ишлар органларининг ваколат бўйичаасига киради.

Профилактика инспекторларининг жамоат жойларида содир этиладиган безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олиш фаолиятининг **маҳсус субъекти** деб айтиш мумкин. Барча турдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ва уни профилактика қилиш бўйича ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Ички ишлар органларининг безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олиш фаолияти шуғулланувчи ТП профилактика инспекторлари ҳисобланади.

Шаҳар (туман) ИИБ ХООБ таянч пунктларида фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторларининг безорилик ҳуқуқбузарликларини олдини олиш фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида биринчидан, ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда профилактик ишларни тўғри ташкил этиш ва олиб бориш, иккичидан, ҳудуддаги аҳолининг умумий сони, ҳудуддаги криминоген вазиятни яхши билиши ҳамда жамоат жойларини назорат остига олиши; учинчидан, жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни профилактик ҳисобга олиш ва улар билан ишлаш лозим.

ХУЛОСА

Профилактика инспекторларининг майда безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олишни ташкил этишда тўзиладиган ойлик ва чораклик иш режаларида безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олиш масалаларига чуқурроқ эътибор қаратиш талаб этилади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳар бир маҳаллада таянч пунктларининг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу хизмат томонидан безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олишда бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мисол учун уни қўйидагиларда кўриш мумкин. биринчидан, маъмурий ҳудудда жамоат тртибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш орқали уларнинг турли хил ёт ғоялар, жумладан уюшган жиноий гурухлар, диний-экстремистик оқимлар, гиёҳвандлик ва ичқилиқбозлиқ

иллатлари таъсирига тушиб қолишиларининг олдини олишда; иккинчидан, профилактика инспекторлари маҳаллаларда «Яраштириш комиссияси» жамоат бирлашмалари билан биргаликда носоғлом оиласларда болалар хуқуқларини камситилиши ҳолатларини аниқлаб, фарзанди тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш ва улар билан профилактик-тушунтириш ишларини олиб боришни ташкил этишда; учинчидан, мамурий ҳудудда ўтказиладиган «Ўсмир», «Ғамхўр» каби маҳсус профилактик тадбирларда ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш билан бир қаторда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириб боришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда; тўртинчидан, маъмурий ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот, муассаса ва жамоат жойларида ўрнитилган тартиб интизом, қонун-қоидаларга риоя этилишини таъминлаш; бешинчидан, муқаддам содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётта мослашувини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнини топишларига қўмаклашиш мақсадида милиция таянч пунктлари субъектлари уларнинг ишга жойлашишига қўмаклашиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, ўз навбатида шахснинг ҳаётда қайта ўз ўрнини топишида ёрдам бераётганлиги жиноятларнинг олдини олишда катта аҳамият касб этмоқда. Жамиятда ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда жамоат тузилма аъзоларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақида юртбошимиз И.А.Каримов ҳам, “Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда биз “Маҳалла посбонлари” каби фуқаролик тузилмаларининг кучли салоҳиятидан тўла фойдаланишимиз лозим. Бу тузилмалар сафига кенг оммани жалб этиш, уларнинг тайёргарлигини кучайтириш ва чэгара қўшинлари ҳамда ҳуқуқ – тартибот идоралари билан ҳамкорлигини таъминлашимиз зарур⁹⁷” деган эдилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов. 2007-йил 25-октябрь ички ишлар идоралари ходимлари куни байрами муносабати билан йўллаган байрам табригида. Тошкент- 2007-йил Поста.

2. Конституция - эркин ва фарован ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллига бағишлиланган тантанали маросимида. 2017-йил 8-декабрь Ҳалқ сўзи.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йилнинг 9-февраль куни Ички ишлар фаолияти, тизимида мавжуд

⁹⁷Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва форовон қаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8.– Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 350-б.

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги видеоселектор. Тошкент 2017-йил Поста.

4. ИИВнинг 2017-йил 12-июлдаги 151-сонли буйруғи.Т- 2017 йил
5. Ички ишлар Вазири П.Бобожоновнинг оммавий ахборат воситалариға берган интервюсида. Тошкент 2022-йил 24-феврал Поста №9.
6. Ички ишлар органларининг профилактика хизматларининг жиноятларнинг олдин олиш фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш.Ўқув қўлланма. Ж.С.Мухторов.
7. Хукуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. Дарслик. ИИВ Академия.
8. И.С.Жахонгиров. Криминология. Дарслик. Махсус қисм.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Ҳалқ сўзи. – 2017. – 19 сентябр.
10. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборатномаси. –2022 йил Махсус 91-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳалқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Ҳалқ сўзи. – 2022. – 10 ноябр.
12. ИИО нинг жиноятларни олдини олиш фаолиятида виктимологик имкониятларидан фойдаланиш Р.А Хатамов Т-2004 ЙИЛ 78--80 .
- 13 Г.А.Аванесов. Криминология и социальная профилактика. М 1980 С 459.Криминология общая часть. 2002 г.
14. З.С.Зарипов Вояга этмаганлар хукуқбузарликлари учун муқобил чоралар. Ҳалқаро хукуқ. Т 2022
15. Ички ишлар идоралдарида ислохотлар - тинчлик ва осойишталик гарови: И. Исмаилов, Ў.Х. Мухамедов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С. Мухтаров, Б.Э. Закиров, Д.М. Миразов, А.А. Пардиев, А.А. Матчанов, Н.Т. Исмоилов: Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2014 -йил
16. Криминология дарслик З.С Зарипов И.Исмаилов Тошкент-2020 –й 155-158. Б.
17. Г.А.Аванесов. Криминология и социальная профилактика. М 1980 С 459.Криминология общая часть. 2002 г.